

Кусуф, хусуф ва истисқо намози ҳақида



17:28 / 07.09.2025 23612

فَوْسُخُ لَكَ، يَدَارُفُ أَوْلَاصِ رُضْحَيْ مَلْوَ نِإِوْ. سُمَّ شَلَايَ لَجْنَت

أَلَوْ، أَدْرِبُ لِقَى أَلَوْ. رَاجَ يَدَارُفُ أَوْلَاصِ نِإِوْ. أَلْبَقْتِ سُمُّ رَافُغْتِ سَأَوْ أَعْدُءَاقِ سْتِ سَأَلِ أَوْ
يِّمُّ ذُرُضْحَيْ

Қуёш тутилганда жуманинг имоми одамлар билан икки ракъат нафл намоз ўқийди. Иккисида қироатни махфий ва узоқ қилади. Сўнгра то қуёш очилиб кетгунча дуо қилади. Агар имом ҳозир бўлмаса, худди хусуфдаги каби, якка-якка ўқийдилар. Истисқо қиблага қараган ҳолда дуо ва истиғфордан иборатдир. Агар якка-якка намоз ўқисалар ҳам, жоиз. Имом ридосини ўгирмайди. Бунга зиммий ҳозир бўлмайди.

«Кусуф» сўзи қуёш тутилишига, «хусуф» сўзи ой тутилишига нисбатан ишлатилади. Амалда эса иккаласи бир-бирининг ўрнига алмаштириб ишлатилаверади.

«Истисқо» арабча сўз бўлиб, «серобчилик», «суғоришни талаб қилиш» деган маъноларни англатади. Одатда кутиб турилган сувнинг келиши кечикса, уни талаб қилишга истисқо дейилади.

Кусуф намози суннати муаккададир. Хусуф намози эса мандубдир. Бу намозларнинг шаръийлигига далиллар:

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасида:

اَلَوْ سَمَّيْشَلَلْ اَوْدُخْ سَتِ اَلْ رَمَقْلْ اَوْ سَمَّ شَلْ اَوْ رَاهْ لَلْ اَوْ لَيْلَلْ اَوْ تَايْ اَنْ مَوْ
نُهَقْلَحْ يَدَّلْ اَهْلَلْ اَوْدُخْ سَاوْرَمَقْلَلْ

«Кечаю кундуз, қуёшу ой Унинг оят(белги)ларидандир. Бас, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманг. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг», деган (37-оят).

اَلْ اَقْفُ مِيْهَارْبِ اِتَامَ مَوْيْ سَمَّ شَلْ اِتَفَسَكُنَا : اَلْ اَقْ هُنَّ عُهُلَلْ اِيْضَرَّ رَةَ رِيْ غُمْلَلْ اَنْ ع
نَا : مَلَسَوْ هِيْ لَعُهُلَلْ اِيْ لَصْرَهُلَلْ اَلْ اُسْرَلْ اَقْف . مِيْهَارْبِ اِتَوْمَلْ تَفَسَكُنَا : سَا نَلْ ا
اِذْ اَفْ اَوْ تَايْ حَلْ اَلْ وِدْحْ اُتْ وْمَلْدَنَ اَفَسَكُنَيْ اَلْ هَلْ اِتَايْ اَنْ مَنَ اِتَايْ اَرْ مَقْلْ اَوْ سَمَّ شَلْ ا
سِيْ ذَمَّرْتَلْ اَلْ اِلْ اِسْمُ خُلْ اَهْ اَوْر . يَلْ جَنْ تَ اِيْ حَ اَوْلَصَوْ هَلْ اَلْ اَوْغَدَا فْ اَمْ هُوْمُ تَايْ اَرْ

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Иброҳим вафот этган куни қуёш тутилди. Одамлар:

«Иброҳимнинг вафоти туфайли тутилди», дедилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қуёш ва ой Аллоҳнинг оятларидан икки оятдир. Улар бирор кишининг ўлими туфайли ҳам, ҳаёти туфайли ҳам тутилмайди. Қачон уларни (бу ҳолда) кўрсангиз, то очилиб кетгунча намоз ўқинг ва Аллоҳга дуо қилинг», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

«Албатта, Аллоҳ юборадиган ушбу оятлар бировнинг ўлими ёки ҳаёти учун бўлмайди. Лекин Аллоҳ уларни бандаларини қўрқитиш учун юборади. Бас, улардан бир нарсани кўрсангиз, Аллоҳга зикр ва дуо қилишга, истиффор айтишга шошилинг», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бу намозда жумадаги каби хутба қилинмайди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқишга амр қилганлар. Хутба қилишга амр қилмаганлар.

Агар имом ҳозир бўлмаса, худди хусуфдаги каби, якка-якка ўқийдилар.

Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хусуф намозини жамоат билан ўқиганлари нақл қилинмаган. Шунинг учун хусуф намозини уйларда оддий нафл намозлари каби ўқилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

"Кифоя" китобидан

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг 4588-сонли тавсияси ила тақдим этилган*